

Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши түғрисида

ШАРТНОМА № 41397

Тошкент ш.

“31” 08 2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMAСHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “ELEGANT PROJECT” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-001404 -сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор З.Тожибоев. иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 26-август 2022 йилдаги 137578-сонли танлов натижаларига қўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачикўрсатма беради ва Бажарувчи “Юнусобод туманидаги 228-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини мукаммал таъмирлаш. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун обьекти учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиха;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа хужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойихалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойихалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошлангич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиха-смета хужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиха ва қидирав ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 113 000 000,0 (Бир юз ун уч миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичida шартнома баҳосининг 30 фоиз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойихалаш ҳақидағы топшириқка ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланған муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиха-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиха-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиха-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига З (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиха-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хуқуқи йўклигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланған микдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиха-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиха-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган дарво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуксонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишини ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич малумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларикамчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха смета ҳужжатларива бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиха-смета ҳужжатлариишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиха-смета ҳужжатларинибепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиха-смета ҳужжатлариишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланған жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (үн) қун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланған топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилған кундан бошлаб 10 (үн) кун муддат ичиде Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қиласлик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета хужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (үттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қиласлигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичиде уни тўхтатиши тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиха-смета хужжатларибўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета хужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичиде ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юкори бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз микдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юкори бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳакиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманларо иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўтган тақдирда ҳакиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;
- Буюртмачи лойихалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктираса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида карорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равища пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни

бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг кўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўtkазилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласи.

10.6. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиха тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти“YAGONA
BUYURTMASI XIZMATI INJINIRING
КОМПАНИЯ” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И. Каримов кўчаси,



БАЖАРУВЧИ

“ELEGANT PROJECT” МЧЖ

Адрес: Жиззах ш., Кимегар МФЙ, 22а-уй
Телефон: +998 72-226-66-11
Р/с: 2020 8000 2004 7650 4001
АТИБ Ипотекабанк, Жиззах филиали
МФО 00122
ИНН 303 363 994 ОКЭД – 71 120

Директор

Тожибоев З.



Юрист: Хамидов Н.

“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимияти

“ЯБХ” ИК директори в.б.

Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров



2022й.

Тошкент шаҳар

“Юнусобод туманидаги 228-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини мукаммал таъмирлаш. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун.” объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг
БАЁНИ

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиги

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиги

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутаҳассиси

Холмаматова М.

-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутаҳассиси

КУН ТАРТИБИ

“Юнусобод туманидаги 228-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини мукаммал таъмирлаш. Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун.” обьекти бўйича(кейинги ўринларда обьект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 17 август куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) обьектнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 137578 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “ELEGANT PROJECT” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 26 августдаги электрон баённомасига асосан “Юнусобод туманидаги 228-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини мукаммал таъмирлаш. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун.” обьектининг лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши бўйича “ELEGANT PROJECT” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Комиссия аъзолари.




С. Сагдиев



Ш. Қодиров



О. Хамидов



П. Абдусатторов



М. Холматова

"Гасцик-лайман"


Б.С.Рахмонов
ОИРИЧИЧ УРДИНБОСАРИ

Ташкент шахар доҳиманинг 2022 йил иккиминч чорак даромадлар резасини ортириб бажарилган кисми ҳисобидан

№	Объектное пространство на территории Курганской области	2022 Итоги фискализации										2022 Итоги фискализации 01.01.23 в. налога	01.01.23 в. налога	01.01.23 в. налога	01.01.23 в. налога
		на территории Курганской области													
1	Компания "БиоМедик" (ИП Красильников Евгений Николаевич)	116,391,655	74,942,991	74,942,991	72,759,150	9,980,980	7,338,700	2,654,100	0,000	116,391,655	Группа фискализации (бюджет) бюджета	Бюджет Удмуртии	Бюджет Удмуртии	Бюджет Удмуртии	
2	АНОУ "Национальный образовательный центр по археологии и археологии" (ИП Красильников Евгений Николаевич)	3,650,944	1,585,008	1,585,008	1,572,740						Министерство культуры Удмуртии	Министерство культуры Удмуртии	Министерство культуры Удмуртии	Министерство культуры Удмуртии	
3	Томскагипрошахт (ИП Красильников Евгений Николаевич)	36,345,115	30,865,313	30,865,313	31,917,262	1,000,000	1,000,000	0,000	0,000	36,345,115	Группа фискализации (бюджет) бюджета	Бюджет Удмуртии	Бюджет Удмуртии	Бюджет Удмуртии	
4	Томскагипрошахт (ИП Красильников Евгений Николаевич)	18,341,082	17,306,423	17,306,423	13,031,648	1,779,500	1,779,500	0,000	0,000	18,341,082	29,917,262	02.07.2021 в. налога	Томскагипрошахт (бюджет) бюджета	Discover Invest МДК	
5	Томскагипрошахт (ИП Красильников Евгений Николаевич)	504,878	196,784	196,784	196,784						14779-сент	14779-сент	14779-сент	14779-сент	
6	Томскагипрошахт (ИП Красильников Евгений Николаевич)	18,290,957	12,101,695	12,101,695	10,505,284	1,000,000	1,000,000	0,000	0,000	18,290,957	20.03.2021 в. налога	Томскагипрошахт (бюджет) бюджета	Discover Invest МДК	Discover Invest МДК	
7	Томскагипрошахт (ИП Красильников Евгений Николаевич)	600,811	590,459	590,459	567,642						347-сент квартал	347-сент квартал	347-сент квартал	347-сент квартал	
8	Томскагипрошахт (ИП Красильников Евгений Николаевич)	25,828,563	8,448,163	8,448,163	9,293,481	1,000,000	1,000,000	0,000	0,000	25,828,563	1,759,912	05.07.2021 в. налога	Томскагипрошахт (бюджет) бюджета	"SADDINO" XASBULLO LLC	
9	Томскагипрошахт (ИП Красильников Евгений Николаевич)	941,256	256,501	256,501	267,050						3,561,723	30.12.2018 в. налога	Томскагипрошахт (бюджет) бюджета	Discover Invest МДК	Discover Invest МДК
10	Томскагипрошахт (ИП Красильников Евгений Николаевич)	353,500	353,500	353,500	455,300						956, Реч. Бас. Ман.	04.03.2020 в. налога	Южно-Татарский Курортный МРЖ	Южно-Татарский Курортный МРЖ	Южно-Татарский Курортный МРЖ
11	Томскагипрошахт (ИП Красильников Евгений Николаевич)	189,700	189,700	189,700	0,000						16.июня 2019 в. налога	01.05.2019 в. налога	Южно-Татарский Курортный МРЖ	Южно-Татарский Курортный МРЖ	Южно-Татарский Курортный МРЖ
12	Томскагипрошахт (ИП Красильников Евгений Николаевич)	27,700	27,700	27,700	0,000						20.01.2018 в. налога	11/17/2-20-1 сент	11/17/2-20-1 сент	11/17/2-20-1 сент	11/17/2-20-1 сент
13	Томскагипрошахт (ИП Красильников Евгений Николаевич)	25,000	25,000	25,000	0,000						23-сент квартал	23-сент квартал	23-сент квартал	23-сент квартал	23-сент квартал
14	Юргобай (ИП Красильников Евгений Николаевич)	623,300	623,300	623,300	0,000						09.03.2021 в. налога	09.03.2021 в. налога	09.03.2021 в. налога	09.03.2021 в. налога	09.03.2021 в. налога
15	Юргобай (ИП Красильников Евгений Николаевич)	300,000	300,000	300,000	0,000						11.03.2021 в. налога	11.03.2021 в. налога	11.03.2021 в. налога	11.03.2021 в. налога	11.03.2021 в. налога

Токмаков Николай Павлович, Основа Модель 20, гимназия №15, г. Атырау, Токмаков Николай Павлович, 28.04.2022 г., 46-14-Q-02-22-заявитель кадров Ген 1 180.4 мин. срок: 27.06.2022 г. №64-14-Q-022-заявитель кадров Ген 1 180.4 мин. срок: 27.06.2022 г. №64-14-Q-022-заявитель кадров Ген 1 1 000.0 мин. срок: 27.06.2022 г. №64-14-Q-022-заявитель кадров Ген 1 1 500.0 мин. срок: 27.06.2022 г. №64-14-Q-022-заявитель кадров Ген 1 217.5 мин. срок: 30.05.2022 г. №64-14-Q-022-заявитель кадров 50.5 мин. срок:

"Киритди"
Ташкент шаҳархокими
Ягона буюртмачи хизмати



"Келинишди"
Ташкент шаҳар
бўй брилгарлари бошлиги

Н.Исматуллаев